Нафакат Ўзбекистон, балки дунё тарихида илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши ма-салалари хозирги кунда тадкикотчилар орасида энг долзарб бўлиб турган муаммо-лардан бири хисобланади. Масалани ўрганиб, унга аниклик киритишдан олдин дав-латчиликнинг илдизлари ва пайдо бўлиш шарт-шароитларига диккат-эътиборни каратмогимиз лозим.
Янги тош асрига (неолит) келиб Ўрта Осиё худудларида дехкончиликнинг пайдо бўлиши жамият хаётида ижтимоий-иктисодий тараккиёт жараёнларини янада тезлаш-тирди. Бронза даврига келиб эса дехкончиликдан чорвачиликнинг ажралиб чикиши, ихтисослашган хунармандчилик хўжаликларининг ривожланиши натижасида ишлаб чикариш хажми кўпайиб, мехнат куроллари янада такомиллашиб борди. Жамиятда ишлаб чикарувчи хўжаликнинг пайдо бўлиши ва жадаллик билан ривожланиши ўз навбатида ижтимоий хаётдаги ўзгаришларга сабаб бўлди.
Тадкикотчиларнинг фикрларига караганда, сунъий сугоришга асосланган дехкончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асоси хисобланиб, бу жараён жанубий Туркма-нистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубида бронза (мил. авв. III-II йилликлар) даврида, Тошкент вохаси ва унинг атрофларида эса илк темир (VIII-IV асрлар) дав-рида шаклланиб ривожланди. Ўрта Осиёда илк давлат уюшмалари сунъий сугориш бирмунча кулай бўлган Амударё (юкори, куйи, ўрта) окимлари бўйларида, Мургоб вохасида, Зарафшон ва Кашкадарё вохаларида шаклланиб ривожланади. Бундай холатни дунё тарихидаги дастлабки давлатлар-Миср (Нил) ва Месопотамия (Дажла ва Фрот) мисолида хам кузатиш мумкин.
Хозирги кунга келиб, Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб бронза ва илк темир даврига оид ёдгорликларидан (Сополли, Жаркўтон, Анов, Кизилтепа, Кўзаликир, Афросиёб, Чуст, Далварзин, Даратепа ва бошк.) ишлаб чикарувчи хўжалик билан бевосита боглик бўлган металл куроллар топиб ўрганилган. Металл куролларининг мехнат куроллари сифатида жамият хаётига кенг ёйилиши мехнат унумдорлигининг янада юксалиши учун улкан имкониятлар яратиб, бу жараён давлатчилик пайдо бўлишини янада тез-лаштирди. Сўнгги бронза даврига келиб кулолчилик чархининг ишлатила бошланиши натижа-сида Сополли, Олтинтепа, Гонур, Жаркўтон кабиларда кулолчилик махаллалари пай-до бўлади. Шунингдек, хунармандчиликнинг тошга, металлга, ёгочга, суякка ишлов бериш турлари хам кенг таркалади. Хунармандчи-ликнинг ихтисослашуви, алохида хўжалик тармоги сифатида шаклланиб ривожланиши жамиятдаги иктисодий тараккиёт учун мухим ахамиятга эга бўлиб, давлатчилик пайдо бўлиши учун мухим бўлган кўшимча махсулот кўпайишига туртки бўлди.
Ўрта Осиё худудларида яшаган ахоли кадимги даврлардан бошлаб ўзаро муноса-батларни ривожлантириб келганлар. Бронза даврига келиб шимолдаги кўчманчи чорвадор кабилалар ва жанубдаги ўтрок дехкончилик ахолиси ўртасида ўзаро мол айирбошлаш ва маданий алокалар янада жадаллашди. Бу ўринда ўша даврда шаклланиб кейинчалик янада ривожланган кадимги йўлларнинг ахамияти бекиёс бўлди. Бу йўллар оркали Ўрта Осиё кадимги ахолиси минтакадан ташкари кўшни давлатлар Месопотамия, Миср, Хиндистон, Эрон, Афгонистон кабилар билан турли алокаларни ривожлантирганлар.
Хуллас, Бронза даврига келиб ахоли ишлаб чикаришнинг маълум бир сохаларига — дехкончилик, чорвачилик ва хунармандчиликка ихтисослашиб борди. Бу жараён ишлаб

чикарувчи кучларнинг ўсиши ва уларнинг бир ерга тўпланиши учун замин яратди. Ишлаб чикарувчи кучларнинг ўсиши ўз нав-батида махсулот хажмининг ўсиб, кўшимча махсулот пайдо бўлишига сабаб бўлди. Демак, кадимги хўжаликларнинг их-тисослашуви, сугорма дехкончиликнинг ривожланиши, металлнинг хаётга жадаллик билан кириб келиши ва ёйилиши, хунармандчиликда турли тармокларнинг ривожла-ниши, ўзаро айирбошлаш ва савдо-сотик тараккий этиши натижасида жамият хаётида ижтимоий-иктисодий юксалиш кузатилади. Бу юксалиш илк давлатчиликнинг асосий пойдевори хисобланади.
Мил. авв. IV минг йилликка келиб кадимги Миср хўжалигида сунъий сугоришга асосланган дехкончилик катта ютукларга эришади. Кўп тармокли бўлган хунармандчилик дехкончиликдан ажралиб чикади. Савдо-сотик кенг микёсда ривож-ланиб боради. Айнан мана шу даврда жамиятнинг ижтимоий хаётида хам тубдан ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ахоли орасида табакаланиш рўй бериб, жамият учта — хукмрон катлам (кабила оксоколлари, кохинлар, бой жамоачилар), дехкончилик жа-моаси аъзолари (Кад. Миср жамиятдаги моддий ишлаб чикарувчилар) ва куллар катламларига бўлинади.
Мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмида Кадимги Мисрда шахар маркази ат-рофидаги бир нечта кишлокларни бирлаштирган унчалик катта бўлмаган вилоятлар (номлар) доирасида дастлабки давлатлар пайдо бўлади. Марказий шахарлар марка-зида хукмдор кароргохи ва бош худо ибодатхонаси жойлашган. Бу даврда Куйи Мис-рда 22 та ном, Юкори Мисрда 20 та ном бўлгани маълум. Мил. авв. IV минг йиллик охирларига келиб барча номлар бирлаштирилиб Куйи ва Юкори подшолиликлар ташкил топади. Куйи Миср подшолиги пойтахти Энхаб (Нехен) шахри, Юкори Миср подшолиги пойтахти эса Буто шахри эди. Кадимги Мисрнинг ривожланиши Ўрта, Янги ва Сўнгги подшоликлар даврларига бўлинади.
Мил. авв. V минг йилликка келиб, кадимги Месопотамия ахолиси хаётида Халаф маданияти (Тал-Халаф кишлоги номидан) маълум ахамиятга эга бўлган бўлса-да, бу худудларда жамиятнинг табакалашуви ва давлатчиликнинг пайдо бўлиши хамда Шу-мер цивилизациясининг асослари Урук (IV минг йилликнинг иккинчи ярми) маданияти билан богликдир.
Бу даврда Месопотамия хўжалигининг асосини сугорма дехкончилик ташкил этар-ди. Аста-секинлик билан дехкончиликдан хунармандчилик хўжаликлари ажралиб чикиб, улар жамият ривожланишида катта ахамиятга эга бўлган тармокларга айлана бошлайди. Ички ва ташки алмашинув ривожланади. Кўшни вилоятлардан мис, олтин, курилиш моллари, кимматбахо тошлар келтирила бошланади. Манзилгохлар ўлчамлари кенгайиб, улар маданий, маъмурий, сиёсий ва диний марказларга айланиб боради.
Мил. авв. IV минг йилликка келиб ишлаб чикарувчи кучларнинг ривожланиши на-тижасида ишлаб чикариш муносабатлари хам тараккий этади. Натижада Месопотамия жамиятда мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табакаланиш рўй беради. Мил. авв. III йилликнинг бошлари Месопотамиянинг (Тигр ва Евфрат дарёлари водийси) жанубида Шумер, Ўрта кисмида эса Аккад каби давлатлар Эреду, Ур, Ларса, Урук, Умма, Лагас каби бир нечта шахар-давлатлар мавжуд эди. Ўша давр Месопотамия ривожланиши-нинг асосини сугорма дехкончилик ташкил этарди.